

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АКРАМОВА НИГОРА ТУРДИКУЛОВНА

**ПОДАГРА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ГЕМОСТАЗ
ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ КЛИНИК, БИОКИМЁВИЙ ВА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2025

УЎК: 616-002.78 8: 616-005.1-08:575-07-036

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Акратова Нигора Турдикуловна.

Подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги
ўзгаришларнинг клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик 3
хусусиятлари.....

Акратова Нигора Турдикуловна.

Клинические, биохимические и молекулярно-генетические
особенности изменений в системе гемостаза у пациентов с 27
подагрой.....

Akratova Nigora Turdikulovna

Clinical, biochemical, and molecular-genetic features of hemostasis system
alterations in patients with gout 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.**

РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АКРАМОВА НИГОРА ТУРДИКУЛОВНА

**ПОДАГРА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ГЕМОСТАЗ
ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ КЛИНИК, БИОКИМЁВИЙ ВА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2223 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиева Дилдора Абдумаликовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бабаджанова Шаира Агзамовна -
Тошкент тиббиёт академияси,
Гематология, трансфузиология ва
лаборатория иши кафедраси профессори,
тиббиёт фанлари доктори.

Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна –
“Республика ихтисослаштирилган
Илмий - амалий терапия ва тиббий
реабилитация маркази” бўлим мудир
т.ф.д. профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.И. Пулатова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Подагра касаллиги кўп асрлардан буён мавжуд бўлса ҳам, у бугунги кун тиббиёти амалиётида ўз аҳамиятига эга. Замонавий таърифга кўра подагра бу натрий моноурати тўпланиши натижасида келиб чиққан кристалларга боғлиқ артропатияларнинг бир туридир. Кўпчилик ҳолларда бўғимлар зарарланиши, буйрақлар фаолиятининг бузилиши, гиперлипидемия, гипертония, қандли диабет, атеросклероз ва юрак ишемик касаллиги билан бирга кечади. Бугунги кунда унинг тарқалиши эркаклар орасида ўртача 3-6%, аёллар орасида эса 1-2% ни ташкил қилади. Сўнгги йилларда касалликнинг тарқалиши йилдан-йилга кўпаймоқда ва ёшариб бормоқда. Подагранинг кечишида артериал гипертензия ва атеросклероз ривожланишини эндотелий дисфункцияси билан боғлиқлиги исботланган. Бу ҳасталик билан оғриган беморларда сийдик кислотасининг эндотелийни шикастлаши натижасида унинг фаолиятининг эрта бузилиши ва эндотелиоцитемия, NO-синтазанинг блоканиши, эндотелин-1 миқдорининг ортиши адабиётларда келтирилган. Шунингдек, атеротромбоз ривожланишида томир-тромбоцитар гемостазнинг аҳамияти жуда юқори бўлиб, подагра билан касалланган беморларда тромбоцитларнинг агрегация қобиляти кучайиб, Виллебранд омили (vWF) фаолияти ортиши кузатилган.

Жаҳонда подагра касаллигида қон ивиш тизимини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар талайгина. Бироқ ҳозирги кунгача унинг коагуляция бузилишининг генетик хусусиятларига бағишланган илмий ишлар аниқланмаган. Маълумки, гиперкоагуляция ҳолати юқори ўлим ҳавфи билан ўзаро боғлиқдир. Гемостаз оқсилларининг плазма миқдори ва юрак-қон томир касалликлари ҳавфи ҳам генетик компонентга эгадир. Бир нуклеотидли полиморфизмларнинг гемостаз оқсиллари миқдори ва юрак-қон томир касалликлари ҳавфи билан боғлиқлиги, уларнинг юрак-қон томир касалликлари ривожланишида сабаб-оқибат аҳамиятини таъкидлайди. Юқорида кўрсатиб ўтилганлар билан бир қаторда, подагра касаллиги ва унинг ҳавф омиллари билан боғлиқ гемостаз тизими бузилишларини эрта ташҳислаш, юрак қон-томир ва эндокрин касалликлар асоратини олдини олиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини халқаро стандартлар асосида сифатли ривожлантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг ҳавф омилларини олдини олиш, шунингдек, подагра касаллигида гемостаз тизими бузилишлари билан боғлиқ юрак қон-томир касаллиklarини (ЮҚТК) олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада "аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизими шакллантириш, ташҳис қуйиш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий қилиш, диспансеризацияни самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш

тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни олдини олиш.."¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги клиник, биокимёвий ўзгаришлар ҳамда, MTHFR C677T (A223V, rs1801133), FII G20210A (rs1799963), FV G1691A (R506Q ,rs6025), PAI-1 675 4G/5G генларининг полиморфизмини комплекс тарзда ўрганиш орқали касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI. “Тиббиёт ва фармакология” йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида подагра касаллигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Маълумки, унда фақат бўғимлар зарарланмай, балки юрак қон-томир тизими, буйрақлар, жигар, эндокрин аъзолар ҳам шикастланади (E Krishnan ва ҳаммуаллифлар). Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, подагра касаллигида юз берадиган натрий моноурати кристаллари ҳосил бўлиши ва тўпланиши билан кечадиган асептик микрокристалли яллиғланиш томир-тромбоцитар гемостази фаоллашишига олиб келади (Darlington G., Scott J.T.). Қатор тадқиқотларда подагра касаллигида қон томирлари эндотелийси шикастланиши, ҳамда протромботик яллиғланиш медиаторлари ажралиши исботланган (Chiu, С.-С., Chen, Y.-Т., Hsu, С.-Y., et al. (2016)). Кейинги олиб борилган тадқиқотлар гиперурикемиянинг нафақат ЮИКнинг ананавий ҳавф омили, балки юрак қон-томир касалликлари ривожланиши ҳавфини, айниқса, аёлларда кучли ифодаланган ўлимни ошириши кўрсатилган (Kim, S., Guevara, J., Kim, K.M., et al. (2010)). Бунда яллиғланиш, томирдаги силлиқ мушак хужайралар пролиферацияси, тромбоцитлар адгезияси ва агрегациясини ўз ичига олувчи механизмлар муҳим роль ўйнайди (Johnson, R.J., Kang, D.H., Feig, D., et al. (2003)). Подагра касаллигида тромбоцитар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»

фаолликнинг касаллик босқичларига қараб ўзгаришини ўрганиш давомида, ўткир подагрик артрит ҳолатларида тромбоцитларнинг яққол ифодаланган гиперагрегацияси аниқланган (А.М. Шангина, 2012). Насонов Э.Л., Насонова В.А., Барскова В.Г. ларнинг фикрича ушбу ҳолат натрий моноурати кристалларининг синвиоцитлар билан ўзаро таъсирлашуви натижасида ривожланган яллиғланиш жараёни билан боғлиқдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда чоп этилган илмий адабиётларда подагра касаллигини ўрганишга бағишланган бир қатор тадқиқотлар ўтказилган. Уларда, асосан, касалликнинг айрим клиник ва патогенетик жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, подагранинг клиник кечишида инсулинрезистентликнинг аҳамияти (Абдуҳакимова Н.А., 2011), подагра шароитида жигар фаолияти бузилишининг патогенетик ўрни ва даволашнинг янги технологиялари (Набиева Д.А., 2018), шунингдек, подагра ва юрак-қон томир тизимидаги зарарланишларнинг коморбид кечиши билан боғлиқ ҳолатлар ва уларнинг диагностикаси ҳамда даволаш усулларининг такомиллаштирилиши (Таиров Д.Р., 2021) каби йўналишларда изланишлар олиб борилган. Шунингдек, М.М. Ташпулатова подагра касаллигининг аёллар орасидаги кечиш хусусиятларини ўрганган.

Юқоридаги тадқиқотларнинг замонавий тиббиётда ўрни катта бўлса ҳам, биз ўрганган адабиётларда бугунги кунгача подагра касаллигида гемостаз тизимидаги ўзгаришларнинг клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятлари тўғрисида комплекс тадқиқотлар етарли эмас. Шу хусусдан, республика шароитида подагра билан касалланган беморларда гемостаз бузилишининг клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятлари ва улар келтириб чиқарадиган ҳавф омилларини аниқлаш замонавий тиббётнинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг илмий иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1100158 «Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» илмий тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Подагранинг турли клиник шакллари билан оғриган беморларда гемостаз тизимидаги клиник, биокимёвий ўзгаришлар ҳамда молекуляр-генетик полиморфизмлар хусусиятларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Подагра билан касалланган беморларда клиник ва биокимёвий кўрсаткичлар асосида касалликнинг клиник кечиши ва оғирлик даражасини баҳолаш;

Подагра касаллигида гемостаз тизими ўзгаришларининг хусусиятларини касалликнинг кечиши ва оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш;

Подагра касаллигида эндотелий яллиғланиши ва тромбоцитлар фаоллашуви маркери бўлган Р-селектин миқдорини аниқлаш;

Подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимига таъсир қилувчи полиморф генларнинг аллелл ва генотипларини: MTHFR C677T (A223V, rs1801133), FII G20210A (rs1799963), FV G1691A (R506Q ,rs6025), PAI-1 675 4G/5G генлари полиморфизминини аниқлаш;

Клиник, биокимёвий ва генотипик таҳлиллар асосида ҳавф омилларини аниқлаш, ҳамда подагранинг патогенезида гемостаз тизимидаги ўзгаришлар роли ва касаллик кечишига таъсирини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ГТА кўп тармоқли клиникасига мурожаат қилган 101 киши танланиб, улар 2 гуруҳга ажратилди. 1-гуруҳга 81 нафар подагра ташҳиси қўйилган беморлар олинди. 2-гуруҳга 20 нафар подагра билан касалланмаган, аҳолининг амалий соғлом вакиллари олинди.

Тадқиқотнинг предмети гемостаз тизими ва биокимёвий кўрсаткичлар миқдорини аниқлаш учун беморлар ва шартли соғлом шахсларнинг веноз қони олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик усуллар, умумий клиник, биокимёвий, гемостазиограмма, молекуляр-генетик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришлар (тромбин вақти, фибриноген, гепаринга толерантлик, ҚФТВ) — илк бор касалликнинг клиник шакли, артрит характери ва юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқлиги, унинг сурункали ва тофусли шаклларда гиперкоагуляция ҳолати яққолроқ намоён бўлгани аниқланган;

подагра касаллигида Р-селектин биомаркери даражасининг назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли даражада юқори эканлиги, ҳамда унинг гемостаз тизими ва юрак-қон томир тизими ўзгаришлари билан узвий боғлиқлиги аниқланган;

подагра билан касалланган беморларда қон ивиш каскадининг II (протромбин) ва V (проакцелерин) омиллари оксилларини кодловчи F2

G20210A ва F5 G1691A генларининг полиморфик вариантлари умумий популяцияга нисбатан статистик юқори даражада учраши асосланган

подагра билан касалланган беморларда MTHFR C677T (метилтетрагидрофолатредуктаза гени) ва PAI-1 675 4G/5G (плазминоген активатори ингибитори-1) генларининг полиморфик вариантлари назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли даражада юқори учраган бўлиб, ушбу генларнинг подагранинг патогенезида эҳтимолӣ роли асосланган ($P < 0,05$)

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- Тадқиқот подагранинг фақат бўғим касаллиги эмас, балки умумий системали метабolik-яллиғланишли касаллик эканини ва гемостаз тизими билан яқин боғлиқлигини тасдиқлайди.
- Подагра билан касалланган беморларда қон ивиш тизимидаги ўзгаришларни аниқлаш орқали касалликнинг оғир кечиши ва тромбоз, инфаркт, инсульт каби асоратларини олдиндан баҳолаш имконияти яратилди.
- Олинган маълумотлар асосида индивидуал профилактика ва даволаш стратегияларини шакллантириш имкони пайдо бўлди (масалан, антикоагулянтлар ва антиагрегантлардан фойдаланиш заруратини аниқлаш).
- Лейкоцитлар, фибриноген, С-реактив оқсил, Р-селектин каби кўрсаткичлар подагранинг фаоллиги ва тромбофилик ҳолатини баҳолашда ишончли маркер сифатида қўлланилиши мумкин.
- Генетик полиморфизмлар (F2, F5, PAI-1, MTHFR) аниқланиши подагра билан касалланган шахсларда тромбофилик хавфни баҳолаш ва шахсийлаштирилган даво тактикасини танлашга имконият беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқот ишида қўлланиладиган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, тасдиқланган замонавий, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник, асбобий, лаборатор, гемостазга оид текшириш усуллари ҳамда етарли беморларнинг сони, ўтказилган таҳлиллар, натижаларнинг аниқлиги ва статистик ишлов берилганлиги билан изоҳланади. Олинган натижалар хорижий ва маҳаллий тадқиқот маълумотлари билан таққосланганлиги ва хулосалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Подагра билан касалланган беморларда ўтказилган тадқиқот натижасида олинган илмий натижалар гемостаз тизимидаги ўзгаришларнинг молекуляр-генетик ва биокимёвий хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш имконини берди. Ушбу тадқиқотда MTHFR C677T (A223V, rs1801133), FII G20210A (rs1799963), FV G1691A (R506Q ,rs6025), PAI-1 675 4G/5G генларининг полиморфизмлари

билан P-селектин каби муҳим гиперкоагуляция биомаркерни аниқлаш орқали, подагра билан касалланган беморларнинг индивидуал тромбоз хавфи баҳоланди.

Подагра билан касалланган беморларда юқори хавфли генотиплар (ТТ, АА, 4G/4G) билан P-селектин даражасининг аҳамиятли юқорилиги ўртасида статистик жиҳатдан ишончли боғлиқлик аниқланди. Шунингдек, P-селектин ва фибриноген даражасининг ошиши подагранинг оғир клиник кечиш шакллари (полиартрит, тофусли подагра) ва юрак-қон томир асоратлари (гипертензия, атеросклероз) билан корреляциялангани исботланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларнинг клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришлар (тромбин вақти, фибриноген, гепаринга толерантлик, ҚФТВ) — илк бор касалликнинг клиник шакли, артрит характери ва юрак-қон томир касалликлари мавжудлигига боғлиқ ҳолда ўрганилиши бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 24.03.2025 уй, №03-25/537-t -сонли буйруғи билан тасдиқланган “Подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларни биокимёвий текшириш усуллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Олмазор туман тиббиёт бирлашмасининг 26.03.2025 йилдаги 116-сонли буйруқ, Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси 01.04.2025 йилдаги 50-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги №18-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Подагра касаллигида гемостаз тизими ўзгаришлари гиперкоагуляция ва эндотелий дисфункцияси билан характерланиши ва унинг даражаси касалликнинг клиник шакли, оғирлик даражаси, давомийлиги ва ёндош касалликлар билан узвий боғлиқлигини аниқлаш эрта ташхислашни такомиллаштириш ва беморлар ҳаётийлигини сақлашга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши беморларни касалхонада даволаниш кунини камайтириш ва ташхисий қидирувларга сарфланган ўртача вақтни тежаш имконини беради. Хулоса: подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларни ўз вақтида ташхислаш соғлиқни сақлаш, меҳнат қобилияти ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларини узоқ муддат давомида сақлаб қолиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронлик ва ўлим хавфини камайтириш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: подагра касаллигида P-селектин биомаркери даражасининг назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли даражада юқори эканлиги ва унинг гемостаз тизими ва юрак-қон томир тизими ўзгаришлари билан узвий боғлиқлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 24.03.2025 уй, №03-25/537-

t -сонли буйруғи билан тасдиқланган “Подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларни биокимёвий текшириш усуллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Олмазор туман тиббиёт бирлашмасининг 26.03.2025 йилдаги 116-сонли буйруқ, Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси 01.04.2025 йилдаги 50-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги №18-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: подагра билан касалланган беморларда мазкур илмий янгиликнинг тадбиқ этилиши ташхисот сифатини оширишга, касалликнинг ривожланиш хавфини ва оғирлигини башорат қилишга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши тиббий ёрдам нархи ва тиббиёт ходимларининг иш вақтини қисқартириш имконини беради. Бу ўзгаришлар ҳисоб-китоблар асосида соғлиқни сақлаш тизимида 1,18 млрд сўмгача маблағ тежалишига олиб келди. Хулоса: подагра билан касалланган беморларда эндотелий дисфункцияси ва тромбоцитлар фаоллашуви маркери бўлган р-селектин миқдорининг ошишини эрта аниқлаш, подагранинг юқори фаоллиги шароитида гемостаз тизимида кейинги патологик жараёнларнинг ривожланишини клиник ва лаборатория усуллари ёрдамида башорат қилиш ҳамда ташхислаш ва даволашни ўз вақтида бошлашга, юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олишни такомиллаштиришга, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини оширишга имкон яратади

учинчи илмий янгилик: подагра билан касалланган беморларда қон ивиш каскадининг II (протромбин) ва V (проакцелерин) омиллари оксилларини кодловчи F2 G20210A ва F5 G1691A генларининг полиморфик вариантлари умумий популяцияга нисбатан статистик юқори даражада учраш ҳолати бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 24.03.2025 уйл, №03-25/538-t -сонли буйруғи билан тасдиқланган “Подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларнинг молекуляр-генетик текшириш усуллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Олмазор туман тиббиёт бирлашмасининг 26.03.2025 йилдаги 117-сонли буйруқ, Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси 01.04.2025 йилдаги 50-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги №18-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: подагра билан касалланган беморларда мазкур илмий янгиликнинг тадбиқ этилиши ташхисот усуллари такомиллаштириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши ташхислашга ва даволашга кетадиган вақт ва маблағни тежаш имконини беради. Хулоса: подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимида таъсир қилувчи генларнинг гетерозигота ёки гомозигота ҳолатидаги полиморфизмларни аниқлаш кейинги тромбоэмболик асоратлар

ривожланиши хавфини олдини олишни такомиллаштиришга, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

тўртинчи илмий янгилик: подагра билан касалланган беморларда MTHFR C677T (метилтетрагидрофолатредуктаза гени) ва PAI-1 675 4G/5G (плазминоген активатори ингибитори-1) генларининг полиморфик вариантлари назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли даражада юқори учраганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 24.03.2025 йил, №03-25/538-t -сонли буйруғи билан тасдиқланган “Подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларни молекуляр-генетик текшириш усуллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Олмазор туман тиббиёт бирлашмасининг 26.03.2025 йилдаги 117-сонли буйруқ, Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси 01.04.2025 йилдаги 50-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги №18-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: подагра билан касалланган беморларда мазкур илмий янгиликнинг тадбиқ этилиши ташхисот усуллари такомиллаштириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши ташхислашга ва даволашга кетадиган вақт ва маблағни тежаш имконини беради. Хулоса: подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимида таъсир қилувчи генларнинг гетерозигота ёки гомозигота ҳолатидаги полиморфизмларни аниқлаш кейинги тромбоземболик асоратлар ривожланиши хавфини олдини олишни такомиллаштиришга, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 4 та хорижий ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 та республика ва 2 та хорижий журналлар, шунингдек Скопус рўйхатига кирган журналда 1 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқот материаллари ва усуллари, асосий тадқиқотлар ёритилган боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати иборат. Диссертация ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва муҳимлиги

асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, шунингдек нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Подагра билан ҳасталанган беморларда гемостаз тизимидаги ўғаришларга замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган мавзу бўйича замонавий адабиётлардан фойдаланилган ҳолда мулоҳазалар келтирилган. Жаҳонда, подагра бўйича тадқиқотлар олиб борган турли муаллифларнинг маълумотлари таҳлил қилинган, касалликнинг тарқалиши ва этиопатогенези, клиник кечиши, лаборатор ҳамда асбобий текширув натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг патогенези, ривожланиши ва кечишида бир қатор омиллар: гиперурикемия, P-селектин, гемостаз генлари полиморфизмлари каби бошқа омилларнинг аҳамияти ёритилган ва мавзуга оид маҳаллий, хорижий адабиётлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларнинг клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик текшириш услуб ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга жалб этилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот дизайни, унинг материаллари ва усуллари, статистик қайта ишлаш баён қилинган. 81 нафар подагра билан касалланган беморнинг текширув натижалари келтирилган. Подагра ташҳиси Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг ревматолог мутахассислари томонидан беморларнинг шикоятлари, анамнез маълумотлари, лаборатор тадқиқотларга асосланиб, клиник тавсияларга кўра қўйилган. Тадқиқот учун Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли шифохонаси ревматология, кардиоревматология, ички касалликлар реабилитацияси бўлимида режали равишда стационар даволанган, ҳамда артрологик ИАДК бўлимида амбулатор равишда даво қабул қилган беморлар танлаб олинди.

Тадқиқот ишини ўтказиш давомида Бутунжаҳон Тиббиёт ассоциациясининг Хельсинки декларацияси (World Medical Association Declaration of Helsinki (1964, 2000) этик тамойилларига амал қилинди. Беморларнинг тадқиқотда қатнашиши шартлари: ACR/EULAR, 2015 классификацион мезонларга кўра тасдиқланган подагра ташҳисига эга бўлиши. Барча беморлар қуйидагиларни ўз ичига олувчи клиник-лаборатор текширувлардан ўтишди: 1) Умумклиник комплекс кўрик: анамнез йиғиш, физикал текширувлар, антропометрия, беморнинг амбулатор ва стационар картаси билан танишиш, лаборатор текширувлар ва инструментал текширувларни ўз ичига олди. Лаборатор текширувлар таркибига умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари,

хусусан, қон таркибидаги умумий оксил, гдюкоза миқдори, умумий билирубин, аланиаминотрансфераза, аспартатаминотрансфераза, мочевино, креатининг, сийдик кислотаси, кальций миқдори ва липид спектри текширилди. Касалликнинг клиник фаоллик даражасини аниқлаш учун эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ (мм/с) ва СРО оксил миқдори аниқланди. Инструментал текширувлардан: ультратовуш диагностикаси, электрокардиография, бўғимлар ва кўкрак қафаси рентгенографияси, ва баъзи муаммоли ҳолатларда магнит-резонанс компьютер томографияси ёки мультиспирал компьбтер томографияси текшируви ўтказилди. 2)


Подагра билан ҳасталанган беморларда юрак-қон томир касалликлари ҳамда ўлим хавфини ошишига сабаб бўлувчи тромбоэмболик ҳолатни аниқлаш мақсадида тромбоцитлар фаоллиги ва эндотелий яллиғланишининг даражасини аниқлаш учун иммунофермент (ИФ) усули билан қон плазмасидаги Р-селектин миқдорини текшириш; 3) Подагра билан касалланган беморларда тромбоз ва тромбоэмболияга наслий мойилликни аниқлаш мақсадида гемостаз тизимига таъсир қилувчи оксилларни кодлайдиган генлар полиморфизмидан қуйидагилари полимераза занжир реакцияси усулида аниқланди: а) МТНFR С677Т (А223V) – метилтетрагидрофолат редуктазасини кодловчи ген бўлиб, унинг полиморфизми организмдаги фолий кислотаси миқдорининг пасайишига ва гипергомоцистеинемияга олиб келади, бу эса ўз навбатида эндотелиал дисфункцияга, қон ивишининг фаоллашишига ёрдам беради ва тромбознинг кучайиши хавфини оширади. б) F5 G1691A – проакцелерин, яъни 5-қон ивиш омилини кодлайдиган ген бўлиб, унинг полиморфизми (адабиётларда Лейден мутацияси деб номланади) рецидивловчи веноз тромбозлар ва тромбоэмболиялар хавфини 3 баравар, миокарди инфаркти хавфини бўлса 2 баравар оширади, Лейден мутациясини ташувчиларда протромбин оксили полиморфизмининг ҳам мавжудлиги улардаги тромбозлар ва тромбоэмболиялар хавфини янада кўпайтиради. в) F2 G20210A – протромбин, яъни 2-қон ивиш оксилнинг аминокислоталар кетма-кетлигини кодлайди. Ушбу геннинг гомозиготали ёки гетерозиготали кўринишдаги полиморфизмининг мавжудлиги юрак ва мия қон томирлари веноз тромбозлари хавфини 3 ва ундан кўпроқ баравар оширади. г) PAI-1 675 4G/5G - 1-плазминоген активатори ингибитори – плазминогеннинг тўқима ёки урокиназа активатори оксилни кодлайди. Унинг 4G аллели организмда ушбу оксилнинг фаоллигининг кучайиши, қонда PAI-1 миқдорининг ошиши, қон ивишига қаршилиқ тизимининг фаолияти сусайишига олиб келади. PAI-1 фибринолизни тўхтатади, фибрин тўпланишини рағбатлантиради, бу яллиғланишнинг кучайиши, NO биоактивлигининг пасайиши ва қон томир деворининг протромботик ҳолатини ошириш орқали эндотелиал дисфункцияга олиб келади.

Назорат гуруҳини 20 нафар амалий соғлом кишилардан иборат пациентлар ташкил қилди. Статистик таҳлил: олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастурида амалга оширилди. Категорик

маълумотларнинг тавсифи фоизларда ифодаланган даража кўрсаткичлари шаклида амалга оширилди. Гуруҳлар ўртасидаги статистик фарқларнинг ишончилиги Стьюдентнинг t-тести ва чи-квадрат тести ёрдамида баҳолаш амалга оширилди.

Учинчи бобда “**Клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик текширув натижалари**” подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги клиник, биохимиявий ва молекуляр-генетик ўзгаришларнинг хусусиятлари таҳлил қилинди. Тадқиқотда подагра касаллигининг оғир кечиши, тромбоз ва юрак-қон томир касалликлари ривожланиши хавфи билан боғлиқ биомаркерлар ўрганилди. Шунингдек, генетик полиморфизмларнинг қон ивиш жараёнига таъсири таҳлил қилиниб, подагра билан боғлиқ генетик предрасположенность аниқланди. Гемостаз тизимидаги клиник ва биокимёвий ўзгаришларни баҳолаш учун 81 нафар подагра билан ҳасталанган беморлар ва 20 нафар соғлом кишилар текширилди. Подагра билан касалланганлар орасида 74 (91,3 %) нафар эркак ва 7 (8,6 %) нафар аёл, назорат гуруҳида эса 12 (60,0%) нафар эркак ва 8 (40,0%) нафар аёл иштирок этди. Тадқиқот натижаларига кўра, беморларнинг ёш диапазони 29–84 ёшни ташкил қилган бўлиб, ўртача ёш $59,3 \pm 8,8$ ёшга тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар подагранинг кўпинча ўрта ва катта ёшли одамларда ривожланишини тасдиқлайди. Илмий манбаларда ҳам подагранинг оғир шакллари 40 ёшдан кейин, айниқса, 50 ёшдан юқори бўлган беморларда кўпроқ учраши ҳақида маълумотлар мавжудлини бизни қузатувларимиз ҳам тасдиқлади. Асосий сабаби ёш ўтиши билан сийдик кислотасининг метаболизмидаги ўзгаришлар, бўғимлар ва буйрақлар функционал ҳолатининг пасайиши, шунингдек, шу ёшда метаболитик синдром ва юрак-қон томир касалликлари каби бирикма касалликларнинг кўп учраши билан боғлиқ.

1-диаграмма. Тадқиқотда қатнашган беморларнинг умумий характеристикаси



Подагра билан оғриган беморларда касалликнинг клиник шакллари таҳлил қилинганида барча беморлар 4 улардаги ҳасталикнинг кечишига кўра 4 та гуруҳга: ўткир подагрик артрит, сурункали подагрик артрит, сурункали

тофусли подагра ва атипик подагра гуруҳларига ажратилди. Ўткир подагра билан оғриган беморлар 32 нафар (39,5%) ни ташкил қилди. Беморларнинг энг катта қисми сурункали подагра босқичида бўлиб 46 нафар (56,7 %) ни ташкил қилди. Сурункали тофусли подагра босқичидаги беморлар 13 нафарни (16%) ва атипик подагра билан касалланган беморлар 3 нафарни ташкил қилди (2-диаграмма).

2-диаграмма. Беморларни подагранинг клиник шакли бўйича тақсимоти



Тадқиқотимизда иштирок этган беморларни улардаги энг кўп учраган ёндош (хамроҳ), рақобатдош, фон касалликлари ва уларнинг асоратлари бўйича таҳлил қилинганида қуйидагича натижа олдик (3- расм).

3-диаграмма. Беморлардаги ёндош касалликлар бўйича таҳлил.



Подагра билан ҳасталанган беморларда энг кўп учрайдиган ёндош касалликлар бу юрак-қон-томир касалликлари бўлиб, улар орасида энг кўп учрайдиган артериал гипертензия (48,75%) ва гипертония касаллиги (33,75%) ҳисобланади. Бу, подагра билан юрак-қон томир тизими касалликлари ўртасида яқин боғлиқлик борлигини кўрсатади. Юрак ишемик касаллиги ҳам 22,5% ҳолларда учраб, подагра билан ҳасталанган беморларда юқори кардиоваскуляр хавф мавжудлигини тасдиқлайди. Подагрик буйрак 13,75% ҳолларда қайд этилган бўлиб, бу подагрининг буйрак функциясига салбий таъсирини изоҳлаши мумкин. Умуман олганда, подагра билан оғриган беморларда юрак-қон томир, буйрак ва метаболик тизим касалликлари устунлик қилганлигини кўриш мумкин.

Подагра билан оғриган беморларда касалликнинг кечишида бўғимлар оғриғи таҳлил қилинганда 20 нафар беморда артрит моноартрит кўринишида кечган бўлса, 29 нафар беморда олигоартрит кузатилди. Энг катта улуш полиартритга тўғри келиб, 31 нафар беморда кўплаб бўғимлар яллиғлангани аниқланди (4-жадвал).

4- жадвал. Подагра билан касалланган беморларда артритнинг шакллари



Касаллик давомийлиги бўйича 31,7% беморларда подагра касаллигининг давомийлиги 5 йилгача, 35% беморда 5-10 йил, 15,87%да ушбу касаллик 10-20 йил оралиғидаги муддат давомида кузатилган бўлса, 17,4% бемор эса подагра билан оғриганига 20 йилдан кўпроқ муддат бўлганлигини тўғри келди.

Объектив кўрик мобайнида беморларнинг аксарият қисмида систолик ва диастолик артериал қон босими бирмунча юқори бўлиб, ўртача систолик артериал қон босими $138,89 \pm 23,72$ мм симоб устуни, диастолик артериал босими эса $87,75 \pm 12,47$ мм симоб устунини ташкил қилди. Юракнинг бир дақиқада ўртача қисқариш сони бўлса, $81,03 \pm 7,36$ га тенг бўлди. Ушбу гемодинамик ўзгаришлар подагранинг юрак-қон томир тизимига таъсир қилувчи полисистемали патология эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Подаграда гемостаз тизими ҳолатини баҳолашда коагулограмма таҳлили муҳим диагностик усул ҳисобланади. У қоннинг ивиш хусусиятларини — протромбин вақти, фибриноген даражаси, қисман фаоллаштирилган тромбин вақти каби кўрсаткичларни аниқлаш орқали тромботик хавф, гиперкоагуляция ёки фибринолиз фаоллигини баҳолаш имконини беради (5-жадвал).

5-жадвал. Подагра билан касалланган беморларда ва назорат гуруҳида коагулограмма натижалари таҳлили

№	Текширув номи	Умумий подагра n=81	Назорат гуруҳи n=20	Аҳамиятлилик даражаси
1	Гематокрит сони (%)	45.2 ± 1.1	36.40 ± 0.49	$P < 0.0001$
2	Тромбин вақти (секунд)	22.1 ± 0.9	26.75 ± 0.38	$P < 0.0001$
3	Плазманинг гепаринга	4.65 ± 0.13	5.17 ± 0.21	$P < 0.05$


	толерантлиги (дақиқа)			
4	Фибриноген (мг/дл)	432.7 ± 24.4	290.35 ± 13.53	P<0.0001
5	Протромбин вақти (секунд)	15.2 ± 1.1	15.57 ± 0.25	p>0.05
6	Протромбин (%) индекси	86.4 ± 4.8	95.60 ± 2.53	p>0.05
7	ХНН	1.19 ± 0.05	1.04 ± 0.02	P<0.01
8	ҚФТВ (секунд)	26.0 ± 1.1	29.10 ± 0.76	P<0.05

Юқорида келтирилган 5-жадвал маълумотлари подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизимидаги патофизиологик ўзгаришларнинг мавжудлигини кўрсатади. Подагра гуруҳида гематокрит даражаси назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли даражада юқори ($45.2 \pm 1.1\%$ ва $36.40 \pm 0.49\%$; $P<0.0001$) бўлиб, бу қоннинг гематологик зичлиги ошганлигини ва реологик хусусиятларининг ўзгарганини билдиради. Тромбин вақтининг қисқариши (22.1 ± 0.9 сонияга қарши 26.75 ± 0.38 ; $P<0.0001$) ва фибриноген миқдорининг сезиларли ошиши (432.7 ± 24.4 мг/дл ва 290.35 ± 13.53 ; $P<0.0001$) подагра билан кечувчи яллиғланиш фонида гиперкоагуляция ҳолат шаклланганлигини тасдиқлайди. Плазманинг гепаринга толерантлик даражасининг пасайиши (4.65 ± 0.13 дақиқага қарши 5.17 ± 0.21 ; $P<0.05$) антикоагулянт тизимнинг реактивлиги камайганини кўрсатиб, тромбиннинг фаоллигини тўлиқ чеклаш имконининг сусайганини билдиради. ҚФТВ (26.0 ± 1.1 сония ва 29.10 ± 0.76 ; $P<0.05$) ва Халқаро нормаллаштирилган нисбат (ХНН) (1.19 ± 0.05 ва 1.04 ± 0.02 ; $P<0.01$) кўрсаткичларининг қисқариши ҳам коагуляция тизимидаги функционал фаолликнинг ошганлигидан далолат беради. Протромбин вақти ва индексида эса статистик аҳамиятга эга фарқ аниқланмаган ($p>0.05$), бу умумий протромбин каскадининг барқарор сақланганлигини кўрсатади. Умуман, подаграда коагуляция тизимнинг фаоллашиши, фибриноген концентрациясининг юқорилиги ва антикоагулянт ҳимоя механизмларининг сусайиши тромбоз хавфнинг ортганини кўрсатади. Бу ҳолат подагранинг клиник кечишида гемостаз тизими томонидан юзага келиши мумкин бўлган асоратларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида коагулологик мониторинг олиб бориш зарурлигини таъкидлайди.

Подагра билан касалланган беморларда гемостаз тизими ўзгаришларини баҳолашда эндотелий дисфункцияси ва тромбоцитлар фаоллашуви маркери

бўлган P-селектин даражасини ўрганиш муҳим патогенетик ва диагностик аҳамиятга эга (б-диаграмма).

б-диаграмма. Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда P-селектин таҳлили натижалари



Ўтказилган текширувлар натижасида подагра билан касалланган беморларда P-селектин миқдори сезиларли даражада ошганлиги маълум бўлади. Асосий гуруҳдаги ўртача концентрация (0.72 ± 0.09 нг/мл) назорат гуруҳига (0.084 ± 0.010 нг/мл) нисбатан 8,57 баравар юқори бўлиб, ушбу фарқ юқори статистик аҳамиятга эга ($P < 0.0001$). Бу ҳолат подаграда тромбоцитлар фаоллашуви ва эндотелий дисфункциясининг мавжудлигини тасдиқлайди. Шу сабабли, подаграли беморларда P-селектинни аниқлаш тромбофилик ҳолатни баҳолашда юқори сезгирликка эга маркер сифатида катта клиник аҳамият касб этади.

Подагранинг турли клиник шаклларидаги беморларда P-селектин миқдори турлича бўлиб, ўткир подагра гуруҳида P-селектин даражаси 0.635 ± 0.115 нг/мл бўлиб, бу назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли юқори ($p < 0.005$) ва яллиғланиш фонида тромбоцитлар фаоллигининг ошганини кўрсатади. Сурункали подаграда (0.80 ± 0.15 нг/мл) ва сурункали тофусли шаклда (1.10 ± 0.31 нг/мл) кўрсаткич янада юқорироқ бўлса-да, улар ўртасидаги ўзаро фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас ($p > 0.05$). Бу ҳолат сурункали шаклларда P-селектин даражаси барқарор юқори сақланиши ва эндотелий-тромбоцитар фаоллашувнинг давомийлигини кўрсатади. Натижалар подагранинг айниқса тофусли шаклида тромбофилик фаоллик юқори эканлигини ва P-селектинни ушбу жараёнларни баҳолашда муҳим биомаркер сифатида қўллаш мумкинлигини тасдиқлайди.

Подагра билан касалланган беморларда артрит характерида кўра (моноартрит, олигоартрит, полиартрит) P-селектин миқдорининг фарқланишини

баҳоланганида, моноартрит (0.82 ± 0.22 нг/мл) ва олигоартрит (0.78 ± 0.14 нг/мл) гуруҳларида кўрсаткичлар юқорироқ бўлиб, полиартритда эса пастроқ даражалар қайд этилган (0.51 ± 0.13 нг/мл), бироқ статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланмади ($p > 0.05$). Бу Р-селектин даражаси артритнинг клиник шакли билан тўғридан-тўғри боғлиқ эмаслигини, балки яллиғланишнинг фаоллиги ва давомийлиги билан шартланганлигини кўрсатади.

ЮҚТК мавжуд (0.78 ± 0.13 нг/мл) ва мавжуд бўлмаган (0.65 ± 0.14 нг/мл) беморлар ўртасида статистик фарқ аниқланмаган ($p > 0.05$), бу Р-селектин миқдорига асосий таъсир подагрининг ўзи билан боғлиқлигини кўрсатади. Шу билан бирга, МИ ўтказган беморларда Р-селектин даражаси юқорироқ (1.14 ± 0.45 нг/мл) бўлиб, фарқ аҳамиятли бўлмаганига қарамай ($p > 0.05$), бу ҳолатда тромбоцит фаоллашувининг кучайганини гумон қилиш мумкин. Натижалар подаграда тромбофилик ҳолат шаклланиши кардиоваскуляр фондан кўра кўпроқ касалликнинг яллиғланишли-мобил хусусияти билан боғлиқлигини кўрсатади.


Молекуляр-генетик таҳлил натижалари.

Гемостаз тизими бузилишлари билан боғлиқ ген полиморфизмлари инсоннинг коагуляция ва антикоагуляция тизимидаги индивидуал фарқларини белгилаб беради. Гемостаз тизими ўзгаришлари билан боғлиқ бир неча муҳим генетик полиморфизмлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари тромбоз хавфини оширади, баъзилари эса қон ивиш тизимининг дисбалансига олиб келади. F2 (протромбин G20210A) генидаги полиморфизм тромбозга мойилликни оширувчи асосий факторлардан бири бўлиб, бу мутацияга эга шахсларда қон ивиш жараёни кучаяди ва веноз тромбоз хавфи 2–3 мартага ошади. F5 (Лейден мутацияси G1691A) ген полиморфизми ҳам тромбоз ривожланишига таъсир қилиб, V факторнинг резистентлигини оширади ва қон ивиш жараёнининг узоқ давом этишига сабаб бўлади. Ушбу мутация атеросклероз ва микротромбоз хавфини кучайтириши мумкин. PAI-1 675 4G/5G полиморфизми гемостаз тизимидаги антифибринолитик фаолликни тартибга солади, 4G/4G генотиби эга шахсларда фибринолиз жараёни секинлашади, бу эса подагра билан оғриган беморларда тромбоз ривожланиш эҳтимолини оширади. MTHFR C677T (A223V) полиморфизми гомоцистеин метаболизмини бузиб, гипергомоцистеинемия ривожланишига сабаб бўлади, бу эса эндотелий шикастланиши ва қон ивиш тизимидаги мувозанатнинг бузилиши билан боғлиқ. Генетик таҳлиллар шуни кўрсатадики, гемостаз тизимидаги ўзгаришлар бир неча генетик факторларнинг биргаликдаги таъсири натижасида ривожланади ва айрим полиморфизмлар бир-бирига боғлиқ ҳолда қон ивиш тизимининг дисбалансига сабаб бўлади. Гемостаз тизими билан боғлиқ генетик полиморфизмларни аниқлаш подагра билан касалланган беморларда индивидуал хавф профилини шакллантириш ва

шахсийлаштирилган даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

